


ХАБАРЛАР

Халқаро Олимпия қўмитаси Россияга нисбатан қўлланган тақиқни вақтинча бекор қилди

дақиқа аввал



Халқаро Олимпия қўмитаси Россия Олимпия қўмитасига нисбатан қўлланган тақиқни вақтинча бекор қилиш ҳақида қарор чиқарди.

Бу қарор Россиянинг 2028 йил Лос-Анжелес Олимпиадаси арафасида халқаро спортга қайта интеграциялашуви йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Бироқ қўмита ҳозирча россиялик спортчилар миллий байроқ остида қатнашиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида қарор қабул қилмаган.

Халқаро олимпия қўмитаси спортчилар ўз ҳукуматларининг ҳаракатлари учун жавобгар бўлмаслиги кераклигини таъкидламоқда. Аммо кўплаб украиналиклар

можаро давом этаётган бир вақтда бундай қарор қабул қилинишига ҳали эрта деб эътироз билдирмоқда.

Россия Олимпия қўмитаси 2023 йил октябрь ойида Украина ҳудудий яхлитлигини бузган ҳолда Луганск, Донецк, Херсон ва Запорожье вилоятларининг Россия назоратидаги қисмларидаги минтақавий олимпия кенгашларини тан олгани учун фаолиятидан четлатилган эди.

Қўмита ўша пайтда бу ҳаракат Олимпия хартияси ва Украина Олимпия қўмитасининг ҳудудий яхлитлигига зид эканини билдирган.